

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5120200 – 3.04

2017 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2017 йил “24” 08

ЎЗМА ТАРЖИМА
ФАН ДАСТУРИ

| | | | |
|------------------|---------|---|---|
| Билим соҳаси: | 100000 | – | Гуманитар соҳа |
| Таълим соҳаси: | 120000 | – | Гуманитар фанлар |
| Таълим йўналиши: | 5120200 | – | Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) |

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил “24” августдаги “603”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Н.М. Қамбаров – ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, ф.ф.н.
Г.П. Қурбаназарова – ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси.
З.Қ.Тешабоева – ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси.
Сирожиддин Рауф – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири.

Такризчилар:

- М.Ахмедов – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
(*кадрлар истеъмолчиси*).
У.Азизов – Чет тилларни ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази директори.
О.Мўминов – ЎзДЖТУ “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси профессори, филология фанлари номзоди.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “28” июндаги 5-сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Фан дастурини тузишда чет тилларни ўқитишнинг илғор тажрибалари, Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEFR – Common European Framework of Reference) ва Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизимида чет тилларни ўрганишга қўйиладиган талаблар (C1 даража) эътиборга олинган. Ёзма таржима фани талабаларда таржимонлик касби бўйича тегишли кўникмалар ҳосил қилишга йўналтирилган бўлиб, лингвокоммуникатив ва лингвомамлакатшунослик тўғрисидаги тушунча, лингвистик билимлар савияси, тил ҳақида тушунчалар, ёзма нутқ амалиёти курсининг мантикий тафаккурга таъсирини таҳлил қилиш, чет тилидаги ёзма нутқ турларини белгилаш, ёзма нутқ малака ва кўникмаларини тўлиқроқ ижодий қўллаш каби масалаларни қамрайди.

“Ёзма таржима” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс ҳисобланиб, ушбу фан доирасида ўрганилаётган чет тилидаги турли услубларга тегишли матнларни ёзма таржима нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, имло ва тиниш белгиларини қўллаш қонун- қоидалари ўргатилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фаннинг мақсади – талабаларнинг ёзма таржима кўникмаларини шакллантириш ва ёзма таржима малакаларига эга бўлишни таъминлаш ҳисобланади. Ўқув фанининг вазифалари замонавий таржима методларини ўқув жараёнида татбиқ эта олиш, таржима қилинган матнларнинг аслияти билан солиштириб таҳлил қилиш, қилинган таржима сифатини аниқлаш мезонини ўрганиш, замонавий ва ананавий усулларини фарқлай олишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалари ҳамда лисоний ва маданий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- ўрганилаётган тилнинг ёзув қонуниятларини билиши;
- ўрганилаётган тилдаги ёзув нормаларини эгаллаш;
- турли матнларни лексик-семантик таҳлил қилиш;
- матндаги грамматик, имло ва пунктуацион қонуниятларини аниқлаш ва уларга таржимада амал қилиш;
- матнларни ёзув нуқтаи назаридан талқин қилиш;
- таржима методларини билиш ва амалиётда қўллай олиш;
- ёзма таржима услубларини эгаллаш;
- лингвокоммуникатив ва лингвомамлакатшунослик бўйича умумий тушунчага эга бўлиш;
- лингвистик билимлар савияси, тил ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- ўтилган мавзу бўйича ўз фикрини эркин ёзма баён қила олиш;
- белгиланган вақт мобайнида эссэ ёза олиш;
- чет тилидан она тилига ва аксинча она тилидан чет тилига эркин ёзма таржима қила олиши ва бошқалар талаб этилади.

III. Асосий қисм (амалий машғулотлар)

1-модул. Таржима концепцияси

Таржима концепцияси ҳақида умумий маълумот. Таржима нима. Ёзма таржиманинг қисқача тарихи ҳақида маълумот. Таржима турлар. Ёзма ва оғзаки таржима ҳамда улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ қилувчи жиҳатлари. Ёзма таржима ва унинг лексик-семантик хусусиятлари. Таржимашуносликда Холмс харитаси тушунчаси. Таржима харитаси

тушунчаси. Таржима кўпқиррали фан сифатида. Таржиманинг когнитив жараёни.

2-модул. Ёзма таржимада услубий жиҳатларнинг тутган ўрни

Оммавий ахборот, ёзма таржима қилиш усуллари, она тилининг хусусиятлари ва услубий жиҳатлари, сўз танлашни ва таржиманинг турли техникасини таржима жараёнида қўллаш. Матнлар ва мавзулар таржимасида икки тилдаги сўз, бирикма, фразеологик бирикмалар, мақол ва маталлар каби бирликларни тўғри ва аниқ таржима қилиш.

3-модул. Ёзма таржиманинг имловий ва ишоравий хусусиятлари

Ёзма таржимада турли (нуқта, вергул, икки нуқта, нуқтали вергул, кўштирноқ, тирноқ, чизикча, тире, сўроқ, ундов ва бошқа) тиниш белгиларининг ишлатилиши. Вергулнинг қўлланмаслик ҳолатлари. Тутук белгисининг қўлланиши. Имло қоидалари. Қўш унли ва қўш ундошларнинг қўлланилиши. Бошқа йўллар билан кўплиги ясаладиган отларнинг қўлланилиши.

4-модул. Сўзларни бош ва кичкина ҳарфлар билан ёзиш

Географик номлар, атоқли отлар, ташкилот, идора, муассаса, лавозим, бирлашма, йўналиш, бўлим ва шу каби номларининг ёзилиши. Йил, ой ва ҳафта номларининг ёзилиши. Мурожаат шакллари. Сон, каср сон, рақамлар, санок ва тартиб сонларнинг ёзилиши. Кўп сонли рақамларнинг ёзилиши. Тартиб ва санок сонларнинг ёзилиш қоидалари.

5-модул. Ёзув қонун-қоидалари

Ёзувда гап, абзацлар ва матнлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Матн бўлаклари. Гапларнинг ёзувда ўзаро боғланиши.

6-модул. Аудио-визуал таржима

Аудио-визуал таржима ва ёзма таржима. Аудио-визуал таржима ҳақида дастлабки тушунчалар. Аудио-визуал таржиманинг хусусиятлари. Аудио-визуал таржима меъёрлари.

7-модул. Субтитр таржимаси

Субтитр таржима ёзма таржиманинг тури сифатида. Субтитр таржимаси ҳақида дастлабки тушунчалар. Субтитр таржиманинг хусусиятлари. Субтитр таржима меъёрлари.

8-модул. Ёзма таржиманинг тил хусусиятлари

Ёзма нутқ луғат таркиби, грамматик қурилиш ва уларнинг ўрганилаётган хорижий ва она тилидаги ўзига хос хусусиятлари. Ёзма таржимада қўлланиладиган гап тузилиши, пунктуация, матннинг асл мазмуни она тилида берилиши. Таржимада содда ва қўшма гапларнинг эквивалентини ҳар икки тилда тўғри топиш. Атамаларнинг эквивалентини аниқлаш. Ёзма таржимада луғат билан ишлаш.

Таржима диктанти ўтказиш, давлат расмий ҳужжатларни таржима қилиш йўллари билиш. Ўрганилаётган тилда ариза, таржимаи ҳол, хат ёзиш усуллари. Бунда кундалик ҳаётини билдирувчи, лексик терминлардан ташкил топган қисқа эпизодик лавҳалар, кичик ҳажмдаги учрашув, сўзлашув ва шунингдек, қисқа ҳажмдаги маъмурий ва иқтисодий матнлар таржимаси.

Учрашувлар (маҳаллий, халқаро ва анъанавий), маънавий мулоқотлар, кундалик ҳаётда учраб турадиган ходисалар юзасидан тадбирларда таржима жараёни.

9-модул. Радио ва телевидениедаги ахборотлар, газеталар шарҳи, спорт ва маданий воқеалар таржимаси

Тилшунослик ва адабиёт (илмий адабиёт: қисқа ҳажмдаги илмий мақолалар, ҳикоя ва романлардан парчалар). Санъат ва маданият: санъат турлари, санъатга оид чолғу асбоблар, маданий ҳаётни акс эттирувчи турли маҳаллий ва халқаро тадбирлар. Спорт: дунёвий спорт, спорт турлари ва улар бўйича ўтказиладиган маҳаллий ва халқаро тадбирлар, чемпионатлар ҳақида иншо ёзиш.

Фан ва техника: дунёвий фанлар, фан тараққиёти, фан ва техникага тегишли халқаро анжуманлар, кўтариладиган муаммоларлар ҳақидаги матнларни ўрганилаётган тилга ёзма таржима қилиш.

Ёзув техникаси, ёзувни такомиллаштириш йўллари, табиий ёзув, ёзув услубларини ўрганиш.

10-модул. Ёзма таржимада тўққиз қоида

Rule 1. Be Direct and Interesting, Rule 2. Get your Document into Shape, Rule 3. KISS: **Keep It Short and Simple**, Rule 4. Make Sense — Structure your Sentences, Rule 5. Make Sense — Structure your Sentences, Rule 6. Be Concrete, Not Abstract, Rule 7. Prefer Active Verbs to Passive, Rule 8. Beware of False Friends, Jargon and Abbreviations. Avoid False Friends, Rule 9. Avoid Jargons. Юқорида қайд этилган қоидаларга амал қилган ҳолда талабаларда ёзма таржима бўйича кўникма ҳосил қилиш ва ўқув жараёнида татбиқ этиш.

11-модул. Содда ва қўшма гапларнинг эквивалентлари

Турли онлайн луғатлар билан ишлаш, электрон луғатлар ёрдамида қилинган таржималарни таҳрир қилиш, оддийдан мураккабга принципи асосида таржима қилиш, ёзма таржима кўникма ва малакаларига эга бўлиш.

12-модул. Ёзма таржиманинг бадиий таржима билан узвий боғлиқлиги

Ёзма таржима таҳлил кўникмалари ва малакаларига эга бўлишга йўналтирилган машқлар бажариш. Тили ўрганилаётган мамлакатларнинг бадиий адабиёти намуналарини ўқиш ва мазмунини англаш, даврий матбуот нашрларда баён этилган асосий воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳамда мазмунни ёзма баён этишга ўргатиш.

13-модул. Ёзма таржимада реалиялар, фразеологик бирликлар, мақол ва маталларнинг таржима қилиш усуллари

Ёзма таржимада хос сўзлар, реалиялар, фразеологик бирликлар, мақол ва маталларнинг чет тилига ўгиришдаги қийинчиликларини трансформациялар ёрдамида бартараф этиш.

14-модул. Ёзма таржимада компьютер технологиялари

Ёзма таржимани амалга оширишда компьютер ёрдамида (воситасида) онлайн луғатларидан фойдаланиш, таржима қилинган матнларни таҳрир қилиш ҳамда ундаги пунктацион белгиларни қўллашга эътибор бериш.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда талабалар турли мавзуларга бағишланган матнларни таржима қилишни ўрганадилар.

Амалий машғулотларда қуйидагиларга алоҳида аҳамият берилади :

1. Хорижий тилдаги радиоэшиттиришлар ва телевидение кўрсатувларини она тилига таржима қилиш.
2. Хорижий тилдаги фильмни томоша қилиб, унинг асосий мазмуни ҳақида она тилида иншо ёзиш.
3. Алоҳида мавзу бўйича ўтказиладиган хорижий тилдаги баҳсни она тилига таржима қилиш.
4. Ҳар хил соҳага тегишли бўлган хорижий тилдаги терминларнинг она тилидаги эквивалентларни топиб, луғат тузиш.
5. Ўқитувчи томонидан танланган хорижий тилдаги бадиий асардан парча, қисқа ҳикояни она тилига таржима қилиш.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим қуйидаги шаклларда ташкил этилади:

- Инглиз тилидаги махсус адабиёт билан мустақил ишлаш;
- Грамматик шаклларни тўғри ишлатиш;
- Махсус адабиёт матнини тушуниш, изох ва таржима қилиш;
- Ўрганилаётган тилда фикрлаш ва барча масалаларни ечишни режалаштириш;
- Талабанинг мустақил иши юзасидан илмий муҳокама ўтказиш;
- Махсус адабиёт материаллардан фойдаланиш;
- Матбуот материаллари воситасида халқаро воқеаларни ўрганиш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Фан ва техника: дунёвий фанлар, фан тараққиёти, фан ва техникага тегишли халқаро анжуманлар, кўтариладиган муаммолар.
2. Ёзиш техникаси, ёзиш кўникмаларини такомиллаштириш йўллари.
3. Сиёсат, молия, санъат, иқтисод, спорт, технология, божхона, тиббиёт, ҳуқуқшунослик терминлари.
4. Халқаро ва давлатлараро сиёсий, иқтисодий ташкилотларга оид сўз, ибора ва терминлар таржимаси.
5. Халқаро ва давлатлараро сиёсий, иқтисодий ташкилотларга оид сўз, ибора ва терминлар таржимаси.
6. Жаҳон ҳамжамияти тинчлиги ва хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқаларига оид ҳужжатлар, терминлар таржимаси.
7. Таржимада миллий маданий сўзлар, реалиялар (хос сўзлар)нинг хусусиятлари. Шеърини таржимада таржимон услубининг хусусиятлари. Таржимада қўлланиладиган турли лексик ва грамматик трансформациялар.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Munday J. *Introducing to Translation Studies*. – London: Routledge, 2012.
2. Muminov O.M. and others. *Written Translation. Part I- Part II*. – Tashkent, 2010.

Қўшимча адабиётлар

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
9. Арапов А.В. Исторические памятники Узбекистана. Ташкент: SMI-ASIA, 2017.

10. Agerbeek F. The Essential Guide to Drafting Commission Documents on EU Competition Law. 2012
11. Gardner J. A Brief List of Misused English Terminology in EU Publications English Style Guide. 4/104, 22 March, 2016.

Интернет сайтлари

12. www.ncihc.org
13. www.celen.org.cn
14. www.chic.org/assests

